

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК!

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

2008 йил
30 август
ШАНБА

№ 68-69
(12.079-80)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИАТЛАР РЎЎБИ

**Президентимиз Ислам Каримов
29 август куни пойтахтимизда амалга
оширилаётган бунёдкорлик ишлари
билан танишди**

Мамлакатимизда янги саннат қорхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, таълим масканлари, савдо марказлари, шифохоналар, турархоналар, йўллар ва кўприклар барпо этиш, мажмуаларини замона талаблари даражасида тубдан реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуг, энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш аниёнага айланган. Ана шу аниёнага мувофиқ Истиқлолнинг 17 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча вилоятларида, жумладан, пойтахтимизда бир неча янги иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислам Каримов 29 август куни уларнинг айримлари билан танишди.

Ватанимизнинг куч-қудрати, иқтисодий ва маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг нечоғли юқори бўлиши кўп жиҳатдан замонавий билим ва малакага эга кадрларга боғлиқ. Шу боис ўсиб келаётган навиқрон авлодни маънавий юксак, ангина билим ва тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш мамлакатимизда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар, миллий дастурлар ўйлиқларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган, барқамол инсонлар этиб воёга етказишга қаратилган. Жаҳонда таълим тизимининг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ушбу иншоотлар миллий ва энг илгор умумбашарий маърифий анъаналарни ўзида муҳассас этгани, таълим ва тарбиянинг ўзаро ҳамоханлиги, тизимдаги барча бўғинларнинг бир-бири билан узвий боғлангани, улуқсизлиги ва босқичма-босқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бунинг юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган иншоотлар жараёнига халқроқ миқёсда эътибор ва қизиқиш тобора ортиб, дунёдаги етакчи таълим масканларининг соҳага оид ҳамкорлик кўламини кенгайтириб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Пойтахтимизда Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Г. Плеханов номидаги Москва иқтисодий академияси, И. Губкин номидаги Россия Давлат

нефть ва газ университети, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиаллари фаолият курсатаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил январь ойда Сингапур Республикасига давлат ташрифи чоғида иқтисодий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланган эди. Бунинг амалдаги натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарорига биноан олий таълим масканлари сони яна биттага кўпайди.

Президентимиз янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти билан танишди.

Ушбу олий таълим масканида банк иши, бизнесни бошқариш, молия ва туризм, бизнесда замонавий ахборот технологиялари йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Институтининг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазибаларини муҳассас этган. Айни пайтда бир юз йигирма минг китоб захирасига эга кутубхона, бир вақтинчи ўзида ўн етти аудиторияда машғулотларни трансляция қилувчи мультимедиа студияси, шинам ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган зал ҳам халқроқ талаблар даражасида бунёд этилган ва жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари институтида талабалар учун яратилган шароит билан танишган экан, мазкур таълим даражасидаги ўқув жараёни, аввало, миллий манфаатларимиз нуктаи назардан ташкил этилмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ушбу институтини тугатган йигирма кунлик нафақат мамлакатимиз, балки халқроқ талаблар ва андозларга ҳам тўла жавоб бера оладиган етуқ мутахассислар бўлмоғи лозим, – деди Президентимиз.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2008 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ бир гуруҳ юрtdошларимиз Ватанимиз юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи" Шерматов Ким Яхйёева – Окқўрган туманидаги Сегизбоев номидаги фермер хўжалиқлари уюшмаси пиллачиси

Умиров Турап Халикович – "Ўзбекқўмир" акциядорлик бирлашмаси Ангрн қўмир конининг экскаватор машинисти

"Эл-юрт хурмати" ордени билан

Насибулло Мумон – Республика "Нуроний" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

МУКОФОТ МУБОРАК!

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Салимова Диларам Умирзаковна – Қибрай туманидаги "Байтўғрон" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

"Меҳнат шукрати" ордени билан

Нурутдинов Хашим Насриддинович – "Беко-Басидемент" масъулия-чекланган жамиятининг механика-йиғув цехи пармаловчиси

Сантқулов Ахматжон Хусанович – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи катта устаси

"Дўстлик" ордени билан

Вахапова Гулсанам – "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси

Гальянт Алексей Викторович – "Олмалик конметаллургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи эритувчиси

"Шухрат" медали билан (100 ёшдан ошганлар)

Парпиев Ирал – Охангарон тумани

"Жасорат" медали билан

Ходжаев Бахтиёр Рустамович – Уртачирчиқ туманидаги "Ўзгинюнг" қўшма корхонаси ишчиси

"Шухрат" медали билан

Бердиров Мухаммад Қудратович – Окқўрган туманидаги "Машина-трактор паркни" акциядорлик жамиятининг механизатори

Икрамова Кабира – Бўстонлик туманидаги "Конвин" қўшма корхонасининг оператори

Ишанкулов Бахтиёр Абдурашулович – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат қуувчиси

Ишанкулова Гулида Абдужаббаровна – "Охангаронцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг тегирмон машинисти

Рахимов Собир Сохибович – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг смена бошлиғи

Султонов Абдуллажон Мухаммаджонович –

Тошкент туманидаги "Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинининг посбонлар сардори

Ташбаев Туйчибай Казакбаевич – Юқори-чирчиқ туманидаги "Арганчи университет" муқобил машина-трактор паркиннинг механизатори

Тўлаганов Хурсанали Махаматович – Паркент туманидаги йўл хўжалиғи пудрати, таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг механизатори

Умбетов Курбанали – Қуйичирчиқ туманидаги "Дўстобод" масъулия-чекланган жамиятининг хайдовчиси

(Давоми 2-бетда).



ЭҶТИРОМ

Қибрай туманидаги Байтўғрон маҳалласида ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишларга катта эътибор қаратилаётган. Сунги йилларда фуқаролар йиғини амалга ошираётган тадбирлар ижросида йиғин раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тар-

бия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Салимованинг ҳиссаси катта бўлаётган. Мустақилликнинг 17 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишга ўзининг истисодий билим ва тажрибаси билан

муносиб улуш қўшаётган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ юрtdошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар қаторида "Фидоко-

рона хизматлари учун" ордени билан мукофотланган Дилором Салимова ҳам бор.

СУРАТДА: Дилором Салимова неваралари билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 1-2 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро хусусиятга эга долзарб муаммолар муҳокама этилади. Музокаралар якунида икки мамлакатнинг қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштиришга доир икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

НУРЧИЛАРГА АЙЁМ ТУҶФАСИ

Энг улуг, энг азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан жойларда янги иншоотлар, ишлаб чиқариш қорхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилмоқда.

Тошкент туманида "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятининг янги ўқув маркази куририлиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда ушбу тизимда икки ярим минг нафардан ортиқ малакали мутахассис фаолият олиб боради. Бугунги глобаллашув шароитида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, улар орасида ёшларнинг касбий маҳорати, қизиқиш ва интилишларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Мустақиллик байрами арафасида ушбу замонавий ўқув марказининг фойдаланишга топширилиши биз, ёшларни фойт қувонтирди, – дейди туман электр тармоқлари ходими Д. Бурхонхўжаев. – Албат-

та, бу гамхўрлик ва эътиборга жавобан ўз куч ва салоҳиятини Ватанимиз равақига сафарбар этишимиз лозим.

– Бу ерда электр тармоқлари тизимида меҳнат қилаётган ва соҳага қизиққан ёшлар таълим олади, – дейди "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Ш. Зарипов. – Бир ойда 20-30 нафар тингловчини ўқитиш имконияти мажмууд. Ўқув марказини мустаҳкамлаш билан малакаларини ошириш учун барча кулайликлар яратилди. Жумладан, марказда ўқув хоналари билан бир қаторда техника хавфсизлиги, компьютер хоналари ҳамда лаборатория, кутубхона, ошхона ёшлар ихтиёрига берилди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ

Ўн етти йилдиким,
тутди оламни
Мангу истиқлолнинг
ғолиб садоси.
У абад йўқ қилди
қайғу, аламни,
Янгради халқимнинг
эркин овози.

Мана ўн етти йил –
зулмат бўғилди,
Кишанлардан халос
бўлди қўлимиз.
Ўзбексиз, бахтимиз
мурга йўғрилди,
Саодатдан ойдин
бўлди йўлимиз.

Энди ечилмоқда минг
йиллик тугун,
Обод бўлмоқдадир
дашту сахролар.
Ўзгача файз кирмиш
юртимга бугун,
Ҳатто мафтун боқар
қўқда Зухролар.

Келмоқдадир порлаб
ёрқин истиқбол,
Жафокаш халқимнинг
гулламоқ чоғи.
Ватаним кучмоқда
зафар ва иқбол,
Баландроқ ҳилпирар
юртим байроғи.

Бугун ҳур элимда
мақсад ягона,
Доно Юртбошин бор,
музаффар ўлкам.
Бугун янграмоқда
юртда тарона,
Муборак бўлсин бу
энг улуг байрам!

Озод ХУШНАЗАРОВ.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

Давлатимиз раҳбари институт талабалар уйда ёшларнинг олган билимини мустақамлаши, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Институт ҳудудда барпо этилган спорт мажмуаси очик ва ёпиқ залларни, мини-футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлакларини, сузиш ҳавзасини, тўрт юз ўн ўринли спорт залини ўз ичига олган. Буларнинг бари ёшларнинг саломатлигини мустақамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига қаратилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов пойтахтимизда бунёд этилган ёшлар ижод саройи билан танишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурида мусиқа, расомлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида ёшларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш, мажмуа масалалар билан шуғулланётган жамоат ва нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бирга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури", Иқтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази каби нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётди.

Узининг буюқ салобати билан

(Давоми. Боши 1-бетда).


пойтахтимиз ҳуснига ҳус бағишлаган мажмуа саройи ўзининг меъморий ечимини имкониятлари жиҳатидан ноҳадир.

Шу кунларда Ёшлар ижод саройида "Навқирон Ўзбекистон" республика аънавий ва замонавий санъат кўргазмаси давом этмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мажмуа кўргазмада икки юз нафардан зиёд ижодкорнинг турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

— Истеъдод — қудратли куч, — деди Президентимиз. — Юртимизда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Ана шу ёшларимизнинг истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун барпо этилган ушбу саройда мунтазам равишда кўргазмалар, фестивал, танлов ва бошқа тадбирлар ўтказиб туриш керак. Улар ёшларимизнинг гайратига ғайрат, истеъдодига истеъдод қўйиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари "Навқирон Ўзбекистон" республика аънавий ва замонавий санъат кўргазмаси билан танишар экан, уларни муайян мавзулар бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Боғча ёшлари болаларнинг, мактаб ва коллежлар ўқувчиларининг, олий ўқув юртли талабаларининг асарларини алоҳида-алоҳида намойиш этиш, кўргазма жараёнида муаллифлар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш янада юксак самалар берсади, — деди Ислоҳ Каримов. — Бунда чекка туманларда, айниқса, қишлоқларда



яшаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз Тошкент ислон университетининг янги биносини ҳам кўздан кечирди.

Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу университетнинг асосий вазираси дунёвий ва диний билимларни, чет тилларни чуқур ўзлаштирган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Улар буюқ аждоқларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганиб, халқимизнинг диний ва маънавий қадриятларини демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштиришга, шу орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишлари даркор.

Университетнинг янги биноси бунёд этилган, унинг ахборот-ресурс марказида, айниқса, катта ўзгаришлар рўй берди. Унда 4000 номдаги дарслик, қўлланма ва адабиётлар жамланган. Компьютер воситасида нодир қўлёзмалар билан танишиш ва ишлаш мумкин. Янги бинода аудиториялар, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган хоналар, ошхона мавжуд.

Ислоҳ Каримов университет профессор-ўқитувчилари билан мулоқот чоғида ўқитиш жараёнида талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, дунёқараш билан уйғунлаштиришга, шу орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишлари даркор.

— Маънавий дунёни юксак,

теран билимли одам ҳаёт йўлларида ўзини йўқотмайди, очки қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади, ўзгаларнинг таъсирига берилмайди, — деди Ислоҳ Каримов. — Маънавий қашшоқ инсоннинг жаҳолат қомига тушиши осон. Биз жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, неча минг йиллик қадриятларимизни тиклаш, аждоқларимиз меросини ўрганиш мақсадига шундай таълим масканларини очганимиз.

Президентимиз жаҳон андозлари даражасида тубдан реконструкция қилинган "Пахтакор" марказий стадионини ҳам бориб кўрди.

Стадион икки йил мобайнида қайта қурилиб, фойдаланишга

топирилиши кўзда тутилган бўлса-да, белгиланган ишларнинг асосий қисми бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида бажарилди.

Ислоҳ Каримов даставвал стадионнинг марказий секторидида амалга оширилган ишлар, ҳусусан, мураббийлар, спортчилар, меҳмонлар учун қурилган заллар ва дам олиш хоналари билан танишди.

Стадионда томошабинлар учун қулай ўриндиклар қўйилган. 11х8,5 метр ўлчамдаги янги табло муҳлисларга мусобақани ҳар томонлама кўриш имкониятини яратди. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга таширф буюрган муҳлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган янги замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун майдон четига электрон мосламалар ўрнатилган.

Мамлакатимиз раҳбари ишнот дизайнида Шарқ ва Ғарб меъморчилиги намуналарининг аънава ва услублари ўзаро уйғунлашгани эътиборга лойиқ эканини таъкидлади.

— Стадиондаги ҳар бир деталь ўз ҳолида ва умумий манзара билан уйғунлашган ҳолда ҳам гўзал бўлиши керак, — деди Ислоҳ Каримов. — Айни чоғда, спортчилар ўз маҳоратини тўла намойиш этиши ва муҳлислар мазмунли ҳордик чиқариши учун барча шароит яратилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари стадионда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мулжаллан-

ган секторларни кўздан кечирди. Мақсур секторларда қулай ўриндиклар олдиди ўрнатилган замонавий мониторлар орқали бир вақтда ўтаётган бошқа мусобақаларнинг боришини кузатиш имконияти мавжуд.

Мақсур стадионда нафақат футбол, балки теннис, кураш, баскетбол, волейбол, шахмат-шахса ва спортнинг яна бошқа турлари бўйича нуфузли турнирлар ўтказиш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда "Пахтакор" марказий стадиони нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки МДХ ҳудудидида энг замонавий, ноёб спорт мажмуаларидан бирига айланган.

Президентимиз стадион атрофида барпо этиладиган зарур инфратузилмани ривожлантириш навабдаги муҳим масала эканини қайд этди. Бу борада мутахассисларга тегишли топшириқлар берди.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар энг улғун неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги рўёбидир. Пойтахтимизда қад ростлаган янги ишнотларни кўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Назокат УСМОНОВА,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Ғулум МИРЗО,
Ўза МУХБОРАТ,
Сарвар УРМОНОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

ФАХРИМИЗСАН, БАХТИМИЗСАН — МУСТАҚИЛ ВАТАН!

фарзанди. Отаси раҳматли Хошимжон ота ҳам умрини мана шу далада ўтказган экан.

— Биласизми, — деди Фозилжон ака гўза пайкалларини айланиб юрганимизда. — Мен бир пайтлари оддий сувчи эдим. Тонг отмасдан елмага кетмонни ташлаб, далага чиқиб кетардик, кун ботгунча мана шу гўза пайкалларидида тер тўқардик. Баъзида шу кетмонга суяниб ким учун, нимага меҳнат қилаётганимизни, тўғриси, тушуна олмасдик. Хирмон-хирмон пахта етиштирардик-у, аммо уйимизнинг томини ёпишга маблағ топа олмасдик. Биримиз икки бўлмасдик. Ана шу кезларда: "Қани энди шу ерлар ўзимники бўлиб қолса, халқимни ҳам, ўзимни ҳам бой қилардим!" деб орзу қилганман. Мана, Мустақиллик туйғайли ниятимга эришдим. Бугун мана шу ерлар меники. Бу йил 170 гектар ердан 70 гектарига галла экиб, 170 тонна бугдой олдим. 100 тонна галлани келишилгандек давлатга топширдим. 50 тоннасини мен билан елкама-елка туриб ишлаган дехқонларга улашдим. Уйларимиз бугдойга тўлиб кетди. Бу йил 100 гектар ерга чигит эдик. Насиб қилса, пахтадан ҳам мўл ҳосил оламан. Фермер бўлиб қўшақўша иморатлар солдим, қўша-қўша машина мина-

(Давоми. Боши 1-бетда).

япмиз. Буларнинг барчаси Мустақиллик туйғайли-ку! Бугун мен энг бахтли инсонман. Чунки қайси юртда, кимга, нимага меҳнат қилаётганимни яхши биламан ва бу билан гурулланаман... Фозилжон аканинг "Мен халқимни бой қиламан" деган сўзлари чин дилдан айтилаётганига ҳеч шубҳа қилмадим. Бугун юртимизни, халқимизни бой қиламан деган юзлаб шундай фермерларни учратиш мумкин. Бу эндигина 17 ёшга тўлган Мустақил Ватанимиз эришган ютуқларнинг мингдан бири ҳоло. Томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган ҳамюртларимиз билан бунданда салмоқлироқ муваффақиятларга эришишимизга шубҳа йўқ.

Юракларимизда илдириган Ватанга муҳаббат туйғуси қанча теран бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. "Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакорр она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона, — дейди Юртбошимиз. — Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улғун туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим".

Фахримизсан, бахтимизсан — мустақил Ватан!

Улғубек ХАМРОКУЛОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2008 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудоффа ва Фақулподда вазиятлар вазириликлари ходимларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимизни Ватанимизга юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Жасорат" медаллари билан Мирзалиев Иброҳим Пардақулович (марҳум) — Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси

Сайдалиев Эъдәр Анобарович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг текзор вакили

"Шуҳрат" медаллари билан Умирзакова Шаҳринисса Субудиновна — Тошкент вилояти Олмалик шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

шундай шуқуҳли ва фараҳбахш кунларда мамлакатимиз халқини буюқ шодиёна —

Мустақилликнинг
17 йиллик байрами

билан чин қалбдан табриклайди.

Барчанинг оиласига тинчлик, бахт-саодат ва азиз

диёримиз равақи, фаровонлиги ҳамда

гуллаб-яшнаши йўлида амалга оширилаётган ишларда

муваффақиятлар тилайди.

Жаннатмақон юртимизнинг осмони тинчи, она-замини

серҳосил, сувлари зилол бўлсин!

Буюқ табиат ўзининг бетакорр инъомлари билан

кўп йиллар давомида инсониятга хизмат қилаверсин!

Қўмитамиз ходимларининг табиатни

асраб-авайлаш ҳамда уни келгуси

авлодларга гўзал ва тўқис ҳолда қолдириш йўлидаги

саъй-ҳаракатида улкан зафарлар ёр бўлсин!



Паркент тумани

Туман дехқон бозорида янги гўшт павильони иш бошлади. Байрам кунини, Паркент шаҳрида 17 та савдо растаси, омухта ем сотиш шаҳобчаси очилди. Савдо, маиший хизмат кўрсатувчи мажмуалар туманининг Кумушқон, Бойқозон, Қорақалпоқ қишлоқларида ҳам иш бошлади.

Пскент тумани

Байрам кунлари туман қариялари учун мулжаллаб бунёд этилган дам олиш оромгоҳи очилди. Пскент шаҳарчасида 400 ўқувчига мулжалланган янги мактаб ҳамда умумий овқатланиш шаҳобчаси фойдаланишга топширилди. Бирлик маҳалласида эса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қад ростлади.

Тошкент тумани

Хасанбой, Чоштепа, Масалбой қишлоқлари ҳудудида бир нечта савдо дўконлари, маиший хизмат уйи ва ёнғил тилдаги қаҳвахона фойдаланишга топширилиши арафасида. Қизгалдоқ қишлоғида янги соғломлаштириш мажмуаси, Кўксарой қишлоғида эса замонавий тўй маросимлари уйи хизмат кўрсата бошлади.

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

Қуйичирчиқ тумани

Ўзбекистон қишлоғида "DAYSHIN MEGATEX" қўша корхонаси ишга тушди. Шу қишлоқ аҳли учун "Матлуботинвест" корхонаси, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси, қаҳвахона, дўкон, ошхона ўз хизматларини тақдир эта бошлади. "Элдорқўжа" фермер хўжалиғида эса нон цехи фаолияти йўлга қўйилди.

Қибрай тумани

Туман маркази яқинида ҳусусий тадбиркорлар ёрдамида икки қаватли замонавий иншоот қад ростлади. Бу ерда умумий овқатланиш мажмуаси ва қатор маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари иш бошлади. Шунингдек, туманининг турли гушаларида савдо дўконлари, чойхона, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари билан савдо қилувчи шаҳобча, компьютер маркази фойдаланишга топширилади.

Юқоричирчиқ тумани

Байрам арафасида мева шарбати ва сутни қадоқловчи янги цех ўз маҳсулотларини харидорларга тақдим этади. Шунингдек, туманининг иккита ҳудудида савдо дўқони, автомобилларга газ ёқилғиси қуйиш шаҳобчаси аҳоли хизматиға киришади.

Чиноз тумани

Туман марказида "Чиноз савдо маркази" қуриб битказилди. 630 метрли "Олмазор" кўприги бунёд этилди. Шунингдек, Чиноз қишлоғида отахоналар чойхонаси, дорихона, "Моҳир кўлар" масулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АЖ «ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» филиали

Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва
бағри кенг халқини
энг азиз ва энг улғуф байрам –

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги

билан муборакбод этади.
Барчага байрамона кайфият,
мустаҳкам соғлиқ, бахт-содат ва
ишларида катта
муваффақиятлар тилайди.



Ўзбекистон Республикаси

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

Тошкент вилояти бўйича

Давлат архитектура-қурилиш

назорати инспекцияси

бунёдкор халқимизни эзгу
орзу-умидлар рўёби бўлган

Ватанимиз

Мустақиллигининг

17 йиллик байрами

билан қизгин муборакбод этади.

Бугун қўли гул ватандошларимизнинг азму

шижоати, жасорати ва нозик диди

билан бунёд этилаётган маҳобатли

архитектура иншоотлари келажакда

неча-неча авлодларга халқимизнинг

салоҳияти ва куч-қудратидан

ҳикоялар сўзлаб турсин!

Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азизлар!

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

Ўртачирчиқ тумани

Тўйтепа шаҳрида янги тўйхона қад ростлади.
У байрам кўнлари ишга туширилади. Шунингдек,
Дўстлик қишлоғида автомобилларга ёқилги қуйиш
шаҳбаси, Уртасарой қишлоғида омухта ем билан
савдо қилувчи дукон фойдаланишга топширилади.

Бўка тумани

Бу галги байрам тумандаги 10-мактаб ўқувчиларининг ёдида узоқ сақланиши аниқ. Бу ерда улар учун бир қанча қулайликларга эга спорт зали қуриб битказилди. Бобур кўчаси аҳолиси эса эндиликда ўз маҳалла гузарига эга бўлади.

Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2008 йил 30 сентябрь куни соат 16.00 да очик тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:

ВХ-570 "Чирчиқ АШБ – Фишт кўприк маҳалласи"
ВХ-545 "Чирчиқ АШБ – Ғазалкент АШБ (Енбек орқали)"
ВХ-571 "Чирчиқ АШБ – Беланожек АШБ (ТТЗ)"

2. Битта пакет билан:

ШИ-1 й.т. "Айланма"
ШИ-4 й.т. "Азотчи маҳалласи – Қуйи Жалоир маҳалласи"
ШИ-5 й.т. "ЎзКТЖМ – 8-кичик ноҳия (2-чи азотчи)"
ШИ-6 й.т. "КСМ – Айланма"
ШИ-7 й.т. "Бўстон санаторияси – Пойабзал фабрикаси"
ШИ-12 й.т. "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)"
ШИ-15 й.т. "8-кичик ноҳия – 5-фермерлар уюшмаси"



Якка тартибдаги йўналишлар сифатида

1. ШИ-3 й.т. "ЭХП – 8-кичик ноҳия (шаҳар парки)"
2. ШИ-24 й.т. "ЭХП – 5-фермерлар уюшмаси"
3. ВХ-515 "Чирчиқ АШБ – Бўстон кўргони"
4. ВХ-516 й.т. "Чирчиқ АШБ – Абай кўргони"
5. ВХ-505 "Чирчиқ АШБ – Оқтош қишлоғи"
6. ВХ-447 й.т. "Бўзсув қ.ф.й. (2-бўлими) – Жанубий вокзал АШБ"
7. ВХ-480 й.т. "Бўзсув қ.ф.й. – С. Раҳимов м.б. АШБ"



Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2008 йил 3 мартдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишлар-

да йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил қилиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти

ҳисоб рақамига "Узсановқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УЗПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТТУТ 51600)га 50080 сўм ўтказиб, 2008 йил 25 сентябргача бюртма беришлари лозим.

Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер тақлифларини 2008 йил 29 сентябрь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Ўртачирчиқ тумани, Корасув мавзеси, "Вилоят штаби" мажлислар залида.
Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

**Вилоят давлат
санитария-эпидемиология
назорати маркази жамоаси**

**ватандошларимизни, шунингдек,
юртимиз меҳмонларини
энг улуғ, энг азиз байрам -**

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат мустақиллигининг
17 йиллиги**

**билан самимий муборакбод этади.
Жонажон юртимизнинг ҳар бир
хонадонидан тинчлик-осойишталик,
бахт-саодат, файз-барака аримасин!**



Тошкент туманидаги

«Тўхтағиёз-ота»

*фермер хўжалиги жамоаси
вилоят деҳқонларини, бозорчу соҳибкорларини,
барга торвадорларни юртимизнинг*

Мустақиллик байрами

*билан самимий қўтлайди.
Халқимизнинг фаровон ҳаёти, бозорларимизнинг
тўқиб-соғинлигини таъминлаш йўлидаги
ҳалол ва фидойи меҳнатларида юксак
муваффақиятлар тилайди.
Мулкдорлар учун бурунгидек беназир имкониятлар
яратиб берган Ўстизқололимиз боқий,
Ватанимиз келажакни норлоқ бўлсин!*

Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги

**бутун Ўзбекистон халқини ва
юртимиз меҳмонларини**

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги

**шодиёнаси билан самимий қўтлайди.
Мана шундай улуғ ва файзли кунларда
мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва
бунёдкорлик йўлида ҳормай-толмай
меҳнат қилаётган юртдошларимизга
куч-қувват, сиҳат-саломатлик,
улкан зафарлар ёр бўлсин!**



ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

Оҳангарон
шаҳри

Байрам баҳонасида шаҳарликларга турли маиший хизматлар кўрсатувчи шаҳобчалар сони бир нечтага кўпаядиган бўлди. Хусусий тадбиркорлар савий-ҳаракати билан шаҳарликлар учун янги чойхона, қаҳвахона, болалар оромгоҳи, стоматология маркази, сартарошхона ҳамда ҳаммом хизмат кўрсата бошлайди.

Чирчиқ
шаҳри

Айём арафасида Чирчиқ шаҳрида вилоят шошилч тиббий ёрдам маркази иш бошлайди. Дехқон бозорининг янги филиали, бир қанча савдо дўконлари ва умумий овқатланиш мажмуаси, автомобилларга ёқилғи куйиш шаҳобчаси шаҳарликлар хизматига топширилади.

Олмалиқ
шаҳри

Улугбек кўчасида бунёд этилаётган маҳалла гузари қурилишининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Пиримқулов кўчасида истиқомат қилаётган аҳоли учун 10 та дўкандан иборат янги савдо мажмуаси хизмат кўрсата бошлайди. Шу ҳудудда телекоммуникация иншооти ҳам ишга тушади. 720 уринли конметаллургия коллежи, шунингдек, 3 та мактаб ўқувчиларга эшик очади.



"БИНОКОР"



лойиҳа-қурилиш компанияси жамоаси

барча юртдошларимизни,
қурувчиларни, ўзлари бунёд этган
ўнлаб коллеж ва лицейларнинг
ўқувчиларини, келажаги буюк
Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ
ёшларини давлатимиз

Мустақиллигининг 17 йиллиги

билан муборакбод этади.
Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз
лутф этганларидек,
Мустақиллик даврида қурилган ва
қурилаётган муҳташам,
сервиқор биноларимиз
эл-юртимиз қудратини
жаҳонга кўз-кўз қилаверсин!



ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

ТОШКЕНТ ҳайвонот боғи нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам сеvimли масканига айланган. Мустақиллик байрами арафасида ушбу боғ вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг 250 дан зиёд фарзандларини ўз бағрига олди.

Байрам муносабати билан ҳамда "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган саёҳат болажонларга олам-олам қувонч бағишлади. Тадбирни ўтказишда вилоят ҳокимлиги, "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ваколатхонаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлик қилди.

улуғ айём арафасида ўтказишимиздан мақсад, кам таъминланган оила фарзандлари кўнглини кўтаришдан иборат, — деди вилоят "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ваколатхонаси раҳбари Баҳром Холдиров. — Улар, айниқса, байрам шодиёналари кўнлари бошқа оила фарзандлари қатори ўйнаб-кулишлари учун катта имконият бўлди.

Болалар ҳайвонот боғидаги ҳар бир қафас ёнида тўхтаб, у ёки бу ҳайвон ва

қушни диққат билан кузатишлари, биринчи марта кўраётган гаройиб ҳайвонлар тўғрисида қизиқиб сўрашларини кўриб, ота-оналар ва ташкилотчилар ушбу саёҳатнинг уюштирилиши айна мудоабўлганлигига ишонч ҳосил қилишди.

— Мен бу ҳайвонот боғига биринчи марта келишим, — дейди янгийўллик Дилафруз Солибоева. — Бу ерда кўп ҳайвон ва қушларни кўриб, бизни ўраб турган олам ҳақиқатан ҳам рангбаранглигига гувоҳ бўлдим. Авваллари бундай ҳайвонларни фақат телевизорда кўриб, китобларда ўқиганман.

— Мен табиатга жуда ҳам қизиқман, — деди Бўстонлик туманидаги 3-умумтаъ-

лим мактаби ўқувчиси Шохрух Кодиров. — Яхшилаб кузатсам, бу ерда сақланаётган кўп ҳайвонлар "Қизил китоб"га киритилган экан. Шунинг учун фақатгина бу ердагиларни эмас, балки ҳар бир жонзотни асраб-авайлашимиз кераклигини тушундим. Ана шунда "Қизил китоб" семираб кетмайди.

— Турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб, фарзандларимни бу ерга олиб келишга ҳафсала қилмасдим, — деди чирчиқлик Гулмира Сулаймонова. — Ташкилотчиларга раҳмат айтмоқчимман. Фарзандларимиз ҳайвонот боғига келиб хурсанд бўлишганини кўриб, биз ота-оналарнинг ҳам бошимиз кўкка етди.



Саёҳат якунида болакайлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Хуршида НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



СУРАТЛАРДА: Тошкент ҳайвонот боғига уюштирилган саёҳат болажонлар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Бекобод тумани

Мавлонов, Фалаба, Деҳқонобод, Ойбек, Зафар, Авангард кўрғонлари ёшлари янги ўқув йилини капитал таъмирланган мактабларда бошлашди. 19-, 46- мактабда бунёд этилган спорт зали ўқувчилар учун ҳақиқий тўхфа бўлди. Ўзбекистон фермерлар уюшмаси ҳудудида автосервис, Далварзин ҳудудида автотомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси ва савдо дўкони ишга туширилади.

Янгийўл шаҳри

Шаҳарда истиқомат қилаётган ёш оилаларга чинакам байрам совғаси ҳозирланди. Уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида Тонг даҳасида ипотека кредити асосида 32 хонадонли, 4 қаватли уй-жой қуриб битказилди. "ЕРАУ-РАСУЛИ АГРАМ ШУНДАЙ МАРҲАМАТ ҚИЛГАНЛАР" "Сизлардан ҳеч бирингиз ўзи яхши кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча қонил мўмин бўлолмайди". Демак, рамазон шарифининг фазилатларидан бири нафсимизни ўттиз қуниқ рибэват ила тарбия этилган иборат экан.

Шунингдек, шаҳардаги деҳқон ва буюм бозорларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида харидор ва сотувчилар бир қанча қулайликларга эга бўладилар.

Ангрен шаҳри

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз кўнлари Ангрен шаҳрида 855 ўринга мўлжалланган кимё саноати касб-хўнаҳ коллежи фойдаланишга топширилади. Шаҳарнинг Нишбош, Лашкерак, Қорабоғ, Наврўз маҳалласи ўқувчи ёшлари янги ўқув йилини замонавий шарт-шароитларга эга бўлган мактабларда бошлашди.

РАҲМАТ ВА МАҒФИРАТ ОЙИ

ИСТИҚЛОЛ шарофати ила миллий ва диний қадриятларимизга эркинлик берилиб, рамазон, ҳайит каби ибодат ва маросимларни мукамал адо этиб, фазилатли кўнлар шарофатидан кенгроқ баҳраманд бўлмоқ-

дамиз. Мустақилликнинг дастлабки кўнлариданоқ инсоннинг маънавий камолоти билан боғлиқ миллий-диний қадриятларни тиклашга умум-давлат аҳамиятига молик устувор йўналиш сифатида қаралди.

ларнинг ҳақиқий эгаси бўлишга интиломоғи лозим. Зеро; ҳар қандай мусулмон ҳам йил мобайнида нафсоний эҳтиёжларини қондириш билан овора бўлиб, кундалик турмуш жараёнида содир бўлаётган турли салбий ҳолатлардан таъсирланиши натижасида унинг нури имо-

Инсонни камолот сари етакловчи миллий ва диний қадриятларимиздан бири Рамазон ойи билан боғлиқ маросимлардир. Бу ойда тутиладиган рўза амали инсонда ўз нафсини бошқара олиш, сабр-қаноатли бўлиш, мақсад сари собитқадамлик билан интилиш каби фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Бу хислатларни касб этган инсон эса ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай тўсиқларни осонлик билан енгиб ўта олади. Рўза инсонни покликка даъват этади, унинг қалбини турли гўборлардан тозалайди. Рамазон — раҳмат ва мағфират ойи. Бу ойда мусулмонлар энг эзгу ва хайрли ишларни амалга оширадилар.

Рамазоннинг фазилатини баён қилиб, жаноб Пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: "Бу ой сабр ойи, сабрнинг самараси эса жаннатдир. Бу ой мўминларнинг ризқларини зиёда этадиган ойидир. Ким бу муборак ойда бир рўзадорни ифтор ёки сахарлик қилдирса, бир кул овоз қилганининг савобини топади ва гуноҳлари мағрифат қилинади".

Аммо шунинг унутмаслик лозимки, ифторликни риё учун, яъни одамлар кўриши учун дабдабали ўтказиш шариатга мувофиқ эмас. Рамазонда ифторлик дастурхони бева-бечоралар, етимлар, қаровчисини йўқотган кишиларга ёзилмоғи дурустдир. Шунинг учун бўлса керак, саҳийлар шу ойда ўз закотларини беришга, меҳр-эътиборга интиқ кишиларга муруват, хайру саховат

кўрсатишга ошқандаилар. Рамазон киши руҳини поклаш учун берилган ойидир. Инсон рамазондаги кўн ва соатларни ганимат

билмоғи, камчилик ва гуноҳларига қаффорат бўладиган савоб ишлар қилиб, бу ойда ваъда қилинган барча фазилат ва имтиёз-

РАМАЗОН ТАҚВИМИ

(Тошкент вақти билан берилмоқда)

Рамазон кўнлари	Ҳафта кўнлари	Сентябрь	Саҳарлик тўғаш	Ифторлик	Эслатма: Рамазоннинг бошланиши ой хисобига кўра бири кунга фарқ қилиши мумкин.
1	Душанба	1	4:06	18:58	Тошкентдан бошқа шаҳарлардаги вақт фарқлари: Аввал: Чимкент (1), Конибодом (5), Қўқон (7), Жамбул (7), Наманган, Фарғона (10), Андижон (12), Ўш (14), Жалол-обод (15). Кейин: Бекобод, Туркистон (4), Жиззах (6), Гулистон, Денов, Жомбой (7), Самарқанд (9), Шаҳрисабз (10), Қарши (11), Каттакўрғон (12), Нурота (14), Навоий (19), Бухоро (21), Хива (35).
2	Сешанба	2	4:07	18:56	
3	Чоршанба	3	4:08	18:55	
4	Пайшанба	4	4:09	18:53	
5	Жума	5	4:10	18:51	
6	Шанба	6	4:11	18:50	
7	Якшанба	7	4:12	18:48	
8	Душанба	8	4:13	18:46	
9	Сешанба	9	4:14	18:45	
10	Чоршанба	10	4:15	18:43	
11	Пайшанба	11	4:16	18:41	
12	Жума	12	4:17	18:39	
13	Шанба	13	4:18	18:38	
14	Якшанба	14	4:19	18:36	
15	Душанба	15	4:20	18:34	
16	Сешанба	16	4:21	18:33	
17	Чоршанба	17	4:22	18:31	
18	Пайшанба	18	4:23	18:29	
19	Жума	19	4:24	18:27	
20	Шанба	20	4:25	18:26	
21	Якшанба	21	4:26	18:24	
22	Душанба	22	4:27	18:22	
23	Сешанба	23	4:28	18:21	
24	Чоршанба	24	4:29	18:19	
25	Пайшанба	25	4:30	18:17	
26	Жума	26	4:31	18:15	
27	Шанба	27	4:32	18:14	
28	Якшанба	28	4:33	18:12	
29	Душанба	29	4:35	18:10	
30	Сешанба	30	4:36	18:09	

Рўза тутиш (огиз ёпиш) нияти
Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоху акбар.
Яъни: Рамазон ойининг рўзасини тонгдан то кўн ботгунча холис Аллох таоло учун тутишни ният қилдим.

Ифторлик (огиз очиб) нияти
Аллохумма лақа сумту ва бика аманту ва ʼалайқа тавакқалту ва ʼала ризқиқа афтарту, фағфирлий йа Гоффару ма қодамту ва ма ахроту.
Яъни: Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга тавакқал қилдим ва Сен берган ризқ билан рўзамни очдим. Эй гуноҳларни кечиргувчи зот! Менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни кечиргин!

Курбонбой ТУРСУНОВ,
вилоят бош имом-хатиби.



БИР УМР ЭСЛАБ ЮРАМАН

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари ташаббуси билан 2008 йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинганда бу хабарни нафақат ёшлар, балки бутун халқимиз катта мамнуният билан қабул қилганди. Ушунда мен ҳам кўплар қатори телевизор қаршисида ўтириб, Юртбошимизнинг маърузасини тинглаган эдим. **Мана орадан 8 ой вақт ўтди. Бошқаларни билмадим-у, айнан 2008 йил мен учун бутун умр эслаб юришга арзигулик воқеаларга бой бўлмоқда.**

Энг аввало, Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзи Олимпиада ўйинларида даъво буйича иштирок этганлигимни алоҳида таъкидламоқчи эдим. Тўғри, мен бу мусобақада юртимга медал олиб беролмадим. Лекин сўнги дақиқагача мардонвор курашдим. Аслида эса, Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритиш ҳамда мусобақаларда бевоҳита катнашишнинг ўзи ҳар қандай спортчи учун энг олий ўнвон саналади. Зеро, Олимпиада мусобақаларида майдонга чиқиб, юрт шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг орзуси ахир!

Мусобақалардан сўнг самолетда юртимизга қайтаётганимизда, бизни тантана билан кутиб олган ватандошлар Артур Таймазов, Абдулло Тангриев, Соҳил Тигиёв, Ришод Собиров, Екатерина Хилько ҳамда Антон Фокин қатори мени ҳам табриклашди, бағриларига босиб, гулдасталар тутишди. Энг хурсанд бўлганим — Юртбошимиз мени "Шухрат" медали билан тақдирладилар. Бу ўнвон мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига энг зўр тўхфа бўлди.

Мирали ШАРИПОВ,
Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи мураббийи.

Азиз юртдошлар! Муҳтарам вилоятимиз аҳли! Сизларни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз —

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги

билан чин дилдан табриқлаймиз. Барчамизга фаровон турмуш, тинчлик-хотиржамлик, нурли кўнлар доимий ҳамроҳ бўлсин! Хонадонларимиздан қут-барака, меҳр-оқибат аримасин!

Тошкент вилояти ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси жамоаси.

Ўйлаб Тоилмаган ҳикоялар

БЕПИСАНДЛИК

Сухбатдошим - мактаб ўқитувчиси куюниб гапираяпти: - Фарзанди истиқболига бефарқ ота-онанинг боласидан нима ҳам талаб қилиш мумкин...

наб, шаҳар олиб берармидинг". Ёки бошқа бир манзарани олайлик. Бола мактабдан хурсанд қайтди. "Фалон фандан бугун беш олдим" дейди у озги кулоғида. Отаси эса норози оҳангда бобиллайди: "бешингни пишириб ейманми, бор молга қара"...

БЕТ ЧИДАМАСА

Еттинчи қизини қувёнинг уйига узатиб қайтган Сарви опоки огир тин олди: - Шарманда қилмаганингга шукр... Қизиқиб сўрайман: - Тинчликми опоки? - Бир гап эсимга тушиб кетди-да, ўғлим, - дейди опоки ҳорғин. - Тўртинчи қизим институтдаги ўқишни тугатиб олсин, деб, совчиларга рад жавобини бериб юрган пайтларим эди.

са на прилавка, ўн тўққиздан бошлаб комиссиянинг узатилади" деди. "Бу нима деганингиз" десам, "Э, нимасини тушунмайсиз. Ўн еттидаги ими-жимда, ўн саккиздаги дабдаба билан, ўн тўққиздан кейин биринчи сўраб келганга узатилади дегани-да. Қизим ўн еттига тўлар-тўлмас, бир кун кутмай тўй қиламан" деса бўладими! Нафасим ичимга тушиб кетди. Кўнглимга ёмон олдим. Худого шукр, ҳамма қизларимдан кутулдим. Аммо, катта гапирган ўша қудагай ҳали тўй қилгани йўқ. Қизи 27 га чикди. Қани энди бетим чидаса, "қизингиз комиссиянидан ҳам ўтиб кетиши-ку, оповси", - десам...

ЁСТИҚ ҲУРМАТИ

Қишлоқлардан бирида пиру бадавлат отахон зиёратига кирдик. Ховлининг анча қисмига соя бераётган дарахт остидаги чорпогага тўшалган кўрпачага жойлашиб, сухбатлашаётганимизда, дарвозадан бир ўсмир кириб келди. Меҳмон борлигини кўриб, чорпогага яқинлашди-ю, қўлидаги спорт сумкасини яқинроқ турган ёстиқ устига қўйиб, "Ассалому алайкум" деганча, тавозе билан менга қўл узатди. Саломга алик оларканман, ёнимдаги отахоннинг бирдан бесарамжон бўлиб қолганини кўриб, тараддулдандим.

деди у ва йигитчага қараб насихатомуз гудранди. - Жойдан жойнинг фарқи борин-да болам. Бу сумкангни кўчада қаерларга қўймагансан. Ол ёстиқнинг устидан. Қолаверса, азалдан қолган гап бор: ёстиқ устига фақат уч азиз нарсани қўйиш мумкин экан - одам бошини, нон ва китоби.

ҚАРЗИ ЙЎҚ ЭКАН

Бир туманда тadbиркорлик билан шуғулланиб, тез бойиб бораётган уч ака-ука ҳақида гапириб қолишди. Ёш бўлишларига қарамай, зукко ва бамаъни эмиш улар. - Кимнинг болалари экан? - қизикдим мен. - Уларнинг отасини кўпчилик танимайди. Кам-сукми, тортинчок, ўз иши ва оиласидан бошқа нарсани ўйламайдиган киши. Шу одамни кўргим келди. Олиб боришди, таништиришди. Гаплашиб ўтириб, савол бердим: - Фарзандларингизнинг иши бунчалик юришиб кетишининг босиси нима? Сухбатдошим аввал елка кидси, сўнг бироз ўйланиб деди: - Авваламбор давлатимизнинг ёшларга шароит яратиб бераётгани, қола-

верса, умримда бировдан қарз олмаганман... - Қарз... - Жавобдан жуда ажабландим. - Қарзинг нима алоқаси бор? - Унинг хосияти ёмон. Қарз олиб икки қадам нари кетмасингиздан, қарз бергучи ортингиздан огриниб қарайди. Огриниб берилган пулга олинган ёмиш ҳаром лўқмадан ёмон. Рўзгорнинг қарзи кимнинг ёмига қимтиниб бормадим. Ҳалол еб қатта бўлган ўғилларимнинг иши юришаётганининг сабабларидан бири - шу... Ҳамсухбатим жавобда бир фалсафа бордек туюлди.

Тўғич БЕК.



Овоз юрт фарзандларимиз!

Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

«МАҲАЛЛА» хайрия жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими жамоаси вилоятимиз аҳолисини ҳамда барча юртдошларимизни мустақил Ўзбекистон Республикасининг 17 йиллиги билан табриқлайди ва мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги изчил фаолиятларида муваффақиятлар тилайди. Энг улўғ, энг азиз байрам ҳар биримизнинг оиламизга ҳуш қайфият, тинчлик-тотувлик ҳамда хотиржамлик олиб келсин!

Зангиота туманидаги 25-мактаб томонидан (собик Калинин районидagi М. Горький номи 89-мактаб) 1976 йилда Машрапов Марупжон Очилиддинович номига берилган № 963536 рақамли 8-синфини тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ Тошкент филиали жамоаси ҳамюртларимизни Ватанамиз мустақиллигининг 17 йиллиги билан сэмимий қутлайди. Ҳурматли юртдошлар, Ватанамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳаётимизнинг янада фаровонлашуви йўлидаги барча саъй-ҳаракатларингизга омад тилаймиз. Азиз ватандошлар, жўшқинлик, шижоат ва матонат қалбингизни ҳеч қачон тарқ этмасин! Ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этиш ишига муносиб ҳисса қўшаверинг!

«ФАҚАТ ГАЛАБА» ФИЛЬМИ ТАҚДИМОТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ киносаройида "Фақат галаба" фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур фильм «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига кура "Ўзбекфильм" киностудиясида яратилди. Унда ўзбек футболининг кеча ва бугуни қизиқарли воқеалар асосида ёритилган.

актёрлар гуруҳи жамланган бўлиб, бош қаҳрамон Баҳодир образини таниқли актёр Меҳридин Раҳматов талқин этган.

Гоясига яхшилик, диёнат, сабр-қаноат, мақсад сари интилиш, хуллас, одамлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар сингдирилган «Фақат галаба» ўзбек футбол ҳақидаги биринчи фильм, десақ муболага бўлмайди. Драматик жанрдаги мазкур фильм айтиш мумкинки, футбол муҳлислари учун ўзига хос тўхта бўлди. Картинада кизиқарли воқеалар, турли характерлар ва қаҳрамонлар тақдири акс этган. Айтиш жоизки, ҳар қандай фильмининг муваффақияти ижодий гуруҳ маҳорати ва албатта актёрлар ижросига боғлиқ.

Шунингдек, фильм муҳаббат мавзусини ҳам четлаб ўтмаган. Ёш хонанда Ситора Аҳмедова талқинидаги бош қаҳрамон Баҳодирнинг севгилис образи ҳам ўзига хос. Шу билан бирга суратда олиш жараёнида «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ҳамда Тошкент Давлат Санъат институти талабалари ҳам фаол қатнашган.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс».

Ибрат

АЛМАШУВ

— Ёнингда неча пулинг бор? — Ён минг сўм... — Ён минг сўм ўн минг. Кел, алмашамиз... — Энди пулинг қанча бўлди? — Ён минг... — Менда ҳам шунча. Бу алмашувдан фойда йўқ экан. Дарвоқе, менда бир фикр бор. — Менда ҳам... — Кел, алмашамиз. — Алмашдилар. — Бир фикрим иккита бўлди. — Мен ҳам фикр бодидим. Кел, доим фикр алмашиб турамиз... — Шунга келишдилар ва шундан бери кам бўлганлари йўқ.

Шундан кейин

ЁКИЛФИ АММО...

АМЕРИКАЛИК олимларнинг таъкидлашича, мевалар таркибидagi шакардан углероди кам ёқилғининг янги турини олиш мумкин.



Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мева ширасидан тайёрланган ёқилғи моддаси этанолга нисбатан кўпроқ энергияга эга. Аммо, мутахассислар фикрича, ёқилғини бундай усулда ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошишига олиб келади.

БИР УЙДА ЭЛЛИКА ИЛОН

ТОКИОДА истикомат қилувчи 41 ёшли Нобукадзу Касиваги ўз уйида эллиқдан эъёд захарли илони ноқоний сақлаганида айбланмоқда.

ҚОЯДАГИ СУРАТЛАР

ЖАЗОИР олимлари мамлакатнинг Бешар туманидаги тоғ дараларининг биридан қояга ўйиб солинган қирқта расмини аниқладилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу расмлар саккиз минг йил аввал чизилган. Фор деворларида йирик ва майда шохли моллар, охулар ва бошқа кўплаб Африка чўли ҳайвонлари тасвирланган. Олимлар у ердан, шунингдек, қадимий сопол буюмларни ҳам топдилар.

ЎЗА.

Рассом ханааси



Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Телефонлар: 236-55-54, 236-55-03, 236-53-54. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Ёшлар ва билдирувлардаги фракт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва ёшлар берувчилар масъулдир.